

**Даврий матбуот нашрларига обуна расмийлаштириш ва тарқатиш
ШАРТНОМАСИ № 129**

Андижон шаҳри

“ 17 ” январь 2022 йил

Шартнома тузувчи томонлар

Устав асосида фаолият юритувчи «Андижон матбуот тарқатувчи» МЧЖ номидан жамият директори **М.К. Раҳимов** (бундан буён «Обуна қилувчи» деб юритилади) бир томондан, ва Ишроқ асосида фаолият юритувчи **Андижон вилоят Бош бошқармаси** бундан буён «Обуначи» деб аталувчи номидан бошқарма бошлиғи **Р.Хожибоев** иккинчи томондан қуйидаги мазмунда ушбу шартномани тузадилар.

1. Шартнома предмети

1.1. «Обуна қилувчи» ушбу шартномага асосан **2022 йил обуна** нашрларини «Обуначи»га ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадаги нашрларни **2022 йил давр ичида** етказиб беради. «Обуначи» етказиб берилган нашрларни қабул қилиб олиб, тўлов ҳужжатларини амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ расмийлаштиради. «Обуначи» тўлов ҳужжатларига асосан белгиланган тўлов кетма-кетлигига риоя қилган ҳолда харажатлар сметасида кўзда тутилган маблағлар доирасида белгиланган тартибда ҳисоб рақамидан тўловларни амалга оширади.

2. Шартнома баҳоси, нашрни етказиб бериш ва ҳисоб-китоб қилиш тартиби.

2.1. Мазкур шартноманинг ҚҚС (15%) билан суммаси **12 456 540.0 (Ўн икки миллион тўрт юз эллик олти минг беш юз қирқ) сўм 00** тийин.

Етказиб бериладиган нашрларнинг шартнома тузиш вақтидаги миқдори ва нархи қуйидагича:

№	Нашр номи	Миқ-дори	муд-дати	Нархи (сўм, тийин)	Суммаси	ҚҚС 15%	ҚҚС билан суммаси
1.	Халқ сўзи	5	6	58 695,65	1 760 869,50	264 130,50	2 025 000,00
2.	Янги Ўзбекистон	5	6	73 043,48	2 191 304,40	328 695,60	2 520 000,00
3.	Андижоннома	35	6	32 760,00	6 879 600,00	1 031 940,00	7 911 540,00
	Жами:				10 831 773,90	1 624 766,10	12 456 540,00

2.2 «Обуначи» етказиб бериладиган нашрлар учун ҳисоб-китобни шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 (ўн) банк куни ичида 100% миқдоридаги суммани «Обуна қилувчи»га тўла ўтказиб беради.

2.3. «Обуначи»га нашрлар «Обуна қилувчи»нинг ходимлари орқали етказиб берилади.

2.4. «Обуна қилувчи» тегишли даврда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланган миқдорда нашрларни етказиб беради.

2.5. «Обуна қилувчи» томонидан «Обуначи»га мазкур шартноманинг умумий қийматидан ортиқ суммада нашрларни етказиб берилган ҳолатларда, шартнома умумий суммасидан ортиқ қисми учун ҳақ тўламайди, томонларнинг ўзаро ёзма қўшимча келишувига асосан етказиб берилган ҳолатлар бундан мустасно.

3. Шартномани бажарилиши.

3.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонуни ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган ҳисобланади.

3.2. «Обуначи» илгари берилган талабнома (буюртма)ни бекор қилишга ёки нашрларнинг тегишли туркумланини етказиб бериш санасини ўтарттиришга ҳасилдир, бу ҳақда «Обуна қилувчи» ни талабномада кўрсатилган сана бошланганидан камида 1 (бир) ой олдин хабардор қилади.

3.3. «Обуначи» муддатлар бузилган холларда етказиб берилган нашрларини қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

3.4. «Обуначи» «Обуна қилувчи» томонидан нашрларни ўз вақтида етказиб берилмаган ёки сифатсиз, муддати ўтган нашрларни етказиб берилган ҳолатларда шартномани «Обуна қилувчи»ни ёзма хабардор қилган ҳолда бир томонлама бекор қилиш мумкин. Қолган ҳолатларда шартнома шартларига тегишли ўзгартиришлар томонларнинг ўзаро қўшимча келишувларига мувофиқ киритилади.

4. Томонларнинг мажбуриятлари.

«Обуна қилувчи» нинг мажбуриятлари.

4.1. «Обуна қилувчи» етказиб бериладиган нашрларнинг сифатини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ бўлишини ҳамда тегишли сертификати ёки таҳлил баёнига эга бўлишини ва ўзаро келишилган миқдорда бўлишини таъминлайди.

4.2. Нашрларни қабул қилиб олиш вақтида аниқланган камчиликларни «Обуначи» талабига мувофиқ 3 кун муддатда бартараф этади.

4.3. «Обуначи» талабномадан келиб чиққан ҳолда нашрлар учун тўловни амалга оширганидан сўнг, 30 календар кун мобайнида етказиб берилган нашрлар сифати, миқдори, тури, ассортиментини ҳақида эътироз билдирмаса, у ҳолда нашрларни етказиб бериш мажбурияти «Обуна қилувчи» томонидан тўлиқ бажарилган деб ҳисобланади ва 30 календар кун ўтганидан сўнг билдирилган эътирозлар қабул қилинмайди. Етказиб берилган нашрларни қабул қилишда уларни текшириб олиш «Обуначи» нинг мажбуриятига қиради. Ушбу мажбуриятни бажармганалиги учун «Обуначи» нинг ўзи жавобгар ҳисобланади.

4.4. «Обуначи» кейинги йилни биринчи ойининг йигирманчи санасига қадар ўтган йилда етказиб берилган нашрлар борасида, уларнинг миқдори, сифати, тури, ассортиментини ҳақида ҳеч қандай эътирозлар билдирмаса, у ҳолда шартноманинг амал қилиш муддати давомида «Обуна қилувчи» шартномавий мажбуриятларини тўлиқ бажарган, «Обуначи» эса тўлиқ қабул қилиб олган деб ҳисобланади ва ушбу муддат ўтганидан сўнг билдирган эътирозлар инobatга олинмайди. Шартноманинг амал қилиш муддати давомида ҳар икки тараф ўз шартномавий мажбуриятларини тўлиқ бажарилган деб топилади.

«Обуначи» нинг мажбуриятлари

4.5. Мазкур шартнома бўйича етказиб берилган нашрларини мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш.

4.6. Нашрларни мазкур шартноманинг қўшимча келишувларида кўрсатилган нарх бўйича белгиланган муддатларда узил-кесил ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун тегишли хужжатларни расмийлаштиради.

5. Шартнома мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарлик.

5.1. Нашрларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган холларда, «Обуна қилувчи» «Обуначи» га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50 % идан ошиб кетмаслиги лозим. Пеня тўлаш «Обуна қилувчи» ни нашрларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.2. Етказиб берилган нашрлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун «Обуна қилувчи» га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизли миқдорда, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 %идан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6. Низоларни ҳал этиш тартиби.

6.1. Келишмовчилик ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар қоидага кўра мустақил равишда уларни судгача ҳал қилиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат этишга ҳақлидир.

7. Форс-мажор.

7.1. Форс-мажор ҳолатлар, жумладан ер қимирлаши, сел келиши каби табиий офатлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан янги қонун ва қарорларни қабул қилиниши натижасида келиб чиқадиган ҳолатларда тарафлар мазкур шартнома ва қўшимча келишувлар шартларини бажариш масъулиятини ўз зиммаларига олмайдилар.

8. Шартномани амал қилиш муддати

8.1. Шартнома икки томонлама тасдиқланиб рўйхатга олингандан сўнг кучга кириб 2022 йил 31 декабрь кунига қадар амалда бўлади. Нашрларни етказиб бериш муддати 2022 йил 31 декабрь кунига қадар.

8.2. Мазкур шартнома 2 (икки) нусхада тузилиб, бир хил ҳуқуқий кучга эга.

9. Томонларнинг манзиллари ва реквизитлари

«Обуна қилувчи»

«Андижон матбуот тарқатувчи» МЧЖ

Андижон ш., Бобур шоҳқўчаси, 108-уй.

Ҳ.р.: 2020 8000 8002 1416 3010

МФО 00401 АТ "Алоқабанк" Бош офис

СТИР 200 240 091 ОКЭД 47620

Тел.: (74) 223-82-12, (95) 202-82-12

Директор

М.ў.

М. Раҳимов



«Обуначи»

Андижон вилояти ҳуқуқий Бош Бошқармаси

Андижон шаҳар Навоий шох кўчаси 30-уй

Тел - 74-223-57-12

ИНН 201532455-9003765

СБНД 84112

ВВ АС 2000 3001 0000 1010

Р. Раҳимов

М.ў.



АСРАНОВ УМИДЖОН
ФОЗИЛЖОН ЎҒЛИ
ЮРИДИК ХИЗМАТ ХОДИМИ
СТИР: 503 344 157
ЖШШИР: 31006825060018

